

Имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / Олти саҳиҳ имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / 332-ҳадис

332 - عَنْ صَفْوَانَ بْنِ يَعْلَى: أَنَّ أَحْيِرًا لِيَعْلَى بْنِ مُنِيَةَ عَضَّ رَجُلًا ذِرَاعَهُ، فَجَذَبَهَا فَسَقَطَتْ نَيْبَتُهُ، فَرَفَعَ إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَأَبْطَلَهَا، وَقَالَ: «أَرَدْتَ أَنْ تَقْضَمَهَا كَمَا يَقْضِمُ الْفَحْلُ؟».

[خ 2266، م 1674، ت 1416، س 4758، د 4584، ج 2656].

Сафвон ибн Яълодан ривоят қилинади:

«Яъло ибн Мунянинг бир мардикори бор эди. Бир киши унинг биллагини тишлабди. У (қўлини) тортган экан, бунинг курак тиши синиб тушибди. Бу гап Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга олиб чиқилган эди, унинг ҳаққини бекор қилдилар ва: **«Уни нор туя чайнагандек чайнамоқчимидинг?!»** дедилар».

Имом Бухорий, Муслим, Термизий, Насаий, Абу Довуд ва Ибн Можжа ривоят қилишган.

Манба: hadis.islom.uz

